# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 51 (604)
2022 йил 15 июль, жума

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН:

## ДАВЛАТЛАРАРО МУЛОҚОТНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ – БОШ ВАЗИФА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан
Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов 14 июль куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Самимий учрашувдан сўнг биродар мамлакат делегацияси "Янги Ўзбекистон" боғига ташриф буюриб, у ерда Туркманистон Президенти Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Сердар Бердимуҳамедов мажмуа меъморий ечимлари ҳамда композициясининг мазмун-моҳияти ва хусусиятлари билан батафсил танишди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистонга ташриф буюраётган олий мартабали меҳмонларнинг ушбу муҳташам мажмуа билан танишуви анъанага айланган.

Ўзбекистон чуқур умумий тарихий илдизлар ва ягона дин, тил, маданият, миллий анъана ва урф-одатлар ўхшашлигига асосланган муносабат ила боғланган Туркманистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратмоқда.

Асрлар мобайнида тинч, ўзаро келишиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшаб келаётган икки қардош халқ ўртасидаги муносабат кейинги йиллари янада мустаҳкамланди. Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, давлатларимиз ўртасидаги кўп қиррали шериклик теран, кўп асрлик қалин дўстлик, ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик тамойили асосида муваффақиятли ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Кўксарой қароргоҳида Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовни кутиб олди.

Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимуҳамедов махсус шоҳсупага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради.

Фахрий қоровул бўлинмаси бошлиғи рапорт бергач, давлат раҳбарлари қоровул сафи олдидан ўтиб, ўзбек ҳарбий хизматчиларини қутладилар ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроғига эҳтиром кўрсатдилар.

Сўнг Президентлар расмий делегациялар аъзоларини бир-бирига таништирди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимуҳамедов тор доирада учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қутлар экан, ушбу учрашув Ўзбекистон – Туркманистон стратегик шериклик муносабатлари тарихида янги саҳифа очишига ишонч билдирди.

– Улар замирида азалдан мустаҳкам дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва ўзаро қўллаб-қувватлаш ришталари ётади, – деди Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон етакчиси Туркманистон Президентини жорий йил март ойида ўтган Президент сайловидаги ғалабаси билан яна бир бор табриклади.

– Донишманд туркман халқи мамлакатдаги кенг кўламли ислоҳотлар давом эттирилишини тўлиқ қўллаб-қувватлаб, сизга ўз келажагини ишониб топширди. Сизнинг билим ва тажрибангиз, куч-ғайратингиз ва етакчилик қобилиятингиз кўзланган барча режаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилишига шубҳа йўқ, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатларда юксак даражага эришишга ва Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга қўшган беқиёс ҳиссасини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли икки томонлама ҳамкорликнинг барча йўналишларида ижобий суръатга эришилганини мамнуният билан таъкидлади.

– Шуни қайд этмоқчиманки, биз учун Туркманистон – минтақадаги ишончли ва муҳим ҳамкор. Бизнинг кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги интилишимиз қатъий, энг яқин қўшнимиз билан стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ниятидамиз, – деди Президентимиз.

Туркманистон Президенти меҳмондўстлик ва самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раисининг саломини етказди.

– Сиз Гурбангули Мяликгулиевич билан биргаликда икки томонлама муносабатларнинг пойдеворини қурдингиз ва мустаҳкамладингиз, ҳамкорликнинг пухта сиёсий ва ҳуқуқий асосини яратдингиз. Бу галги давлат ташрифимиз стратегик шерикликка янги суръат бағишлашга қаратилган ва мен қўйилган мақсадларга эришишимизга ишонаман, – деди Сердар Бердимуҳамедов.

Учрашув чоғида давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Туркманистон ҳамкорлигининг истиқболларини муҳокама қилдилар, алоҳида эътиборни савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ўзаро савдони кўпайтириш, саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш, транспорт-транзит имкониятларидан фойдаланишга қаратдилар.

Томонлар ҳудудлараро ҳамкорликни йўлга қўйишда улкан салоҳият мавжудлигини қайд этдилар.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Марказий Осиёда қарор топган ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик муҳитини мустаҳкамлаш муҳим экани таъкидланди.

Сердар Бердимуҳамедов Ўзбекистон Президентини ўзига қулай вақтда Туркманистонга жавоб ташрифи билан келишга таклиф этди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовнинг музокаралари икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этди.

– Туркманистон Президентининг давлат ташрифини халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари бузилмас, икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга интилиш бардавом эканлигининг ёрқин тасдиғи сифатида қабул қиламиз, – деди мамлакатимиз етакчиси.

Туркманистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг шубҳасиз устувор йўналиши экани қайд этилди.

– Ишончим комил, бугунги музокаралар кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутади, биродар мамлакатларимизнинг стратегик шериклигини янада мустаҳкамлайди ва сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқади, – деди Ўзбекистон Президенти.

Мамлакатларимиз савдодаги ижобий суръатни сақлаб қолиш ва унинг ҳажмини яқин йилларда икки баробар ошириш учун барча имкониятларга эга экани мамнуният билан қайд этилди.

Бунга Ўзбекистон – Туркманистон чегараолди савдо ҳудуди ва пойтахтларимизда савдо уйларини очиш бўйича қабул қилинган қарорлар хизмат қилади.

Томонлар кимё тармоғидаги алоқалар стратегик шериклик даражасига кўтарилганини юксак баҳоладилар. Автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик ва фармацевтика, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигида кооперацияни кенгайтириш режалаштирилган.

Шу мақсадда ўрта муддатли Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастури қабул қилинади. Бундан ташқари, энг истиқболли лойиҳаларни илгари суриш учун қўшма лойиҳа офиси ташкил этилади.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Ўтган йилда юк ташишлар ҳажми 17 фоизга ортиб, бу тенденция жорий йилда ҳам сақланиб қолмоқда. Томонлар минтақа мамлакатларининг ноёб транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, шу жумладан, юкларни ташиш учун ўзаро имтиёз ва чегирмалар беришдан манфаатдор эканликларини билдирдилар.

Давлат раҳбарлари сув-энергетика соҳасидаги ҳамкорликка тўхталар эканлар, Сув хўжалиги масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссия муваффақиятли ишлаётганини таъкидладилар. Президентимиз бугун минтақа сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга хизмат қиладиган тарихий аҳамиятга эга Амударё бўйича битим имзоланишини мамнуният билан қайд этди.

Шунингдек, Ўзбекистон энергетика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, шу жумладан, Туркманистондан электр энергияси, газ ва нефть маҳсулотларини харид қилишдан манфаатдор.

Туркманистон томони товар айирбошлашни диверсификация қилиш ва ошириш, саноат кооперациясини ривожлантиришдан манфаатдорлигини билдирди.

– Мамлакатларимиз улкан салоҳиятга эга муайян тармоқлар орасида биз агросаноат мажмуи, энергетика, кимё ва нефть-кимё, машинасозлик, тўқимачилик ва фармацевтикани қайд этмоқчимиз. Бизнес доиралари ўртасидаги шерикликни кенгайтириш учун жиддий имкониятлар бор. Кейинги йилларда чегарадош ҳудудлар ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Ўзбекистон билан ҳамкорликни давом эттириш ва кенгайтириш ниятидамиз, – деди Туркманистон Президенти.

Музокаралар якунида давлат раҳбарлари икки мамлакат ҳукуматларига эришилган келишувларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш ва уларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар ой ахборот бериб боришни топширдилар.

Олий даражадаги музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимуҳамедов Қўшма баёнот имзоладилар. Унда эришилган асосий келишувлар мустаҳкамлаб қўйилган ҳамда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шерикликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича узоқ муддатли вазифалар белгиланган.

Давлат раҳбарлари ҳузурида икки мамлакат вазирлик ва идоралари раҳбарлари томонидан битимлар имзоланди. Жами 19 та ҳужжатга имзо чекилди, шулар жумласидан:

– Транспорт-транзит соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида битим;

– Туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

– Амударё сув ресурсларини бошқариш, муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисида битим;

– Ташаббусли илмий-тадқиқот лойиҳаларининг қўшма танловини ўтказиш тўғрисида битим;

– 2022-2025 йилларга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастури;

– 2022-2024 йилларга мўлжалланган илмий-техник ҳамкорлик тўғрисида дастур;

– 2023-2024 йилларга мўлжалланган ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик дастури;

– Ўзбекистон – Туркманистон чегараолди савдо зонаси – Савдо марказини ташкил этиш ва фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги Ҳукуматлараро битим қоидаларининг амалий ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси.

Шунингдек, кимё тармоғи, божхона, темир йўллар, музейлар, адлия, ёшларга доир сиёсат, телерадиоэшиттириш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик юзасидан қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги ҳамкорликнинг қатор истиқболли йўналишларида амалий шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов бўлиб ўтган музокаралар тўғрисидаги фикрлари билан бўлишдилар.

Ўзбекистон етакчиси Туркманистон Президентининг ташрифи халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва ўзаро қўллаб-қувватлашга асосланган биродарлик ришталари тарихида янги саҳифа очишга қаратилганини таъкидлади.

– Бугун биз Сердар Гурбангулиевич билан мазмунли, очиқ ва батафсил музокаралар ўтказдик, улар, шубҳасиз, ҳамкорлигимизни янги, янада юқори даражага олиб чиқади, – деди Президентимиз. – Биз икки томонлама кун тартибидаги барча долзарб масалаларни батафсил муҳокама қилдик. Ҳамкорликнинг бугунги ҳолати юзасидан фикр алмашдик, бу борада катта ютуққа эришилганини қайд этдик. Сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт, сув-энергетика ва гуманитар йўналишларда биргаликдаги ишимизнинг устувор жиҳатларини белгилаб олдик.

Қатор истиқболли йўналишлар бўйича, саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш, товар айирбошлашни кўпайтириш, чегараолди савдо зонасини ташкил этиш, қўшма лойиҳа офисини очиш юзасидан қабул қилинган қарорлар музокараларнинг муҳим натижаси бўлди.

Автомобилсозлик, кимё, электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди.

Шу мақсадда ўрта муддатли Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастури қабул қилинди.

Ҳудудлар ўртасида тизимли мулоқотни ривожлантириш ҳам Ўзбекистон – Туркманистон шериклигига янги суръат бағишлайди. Куни кеча Бухорода муваффақиятли ўтказилган биринчи Ҳудудлар форуми ҳали ишга солинмаган улкан салоҳият мавжудлигини яққол кўрсатди. Унинг якунида умумий қиймати 450 миллион доллардан зиёд бўлган аниқ шартнома ва келишувлар имзоланди.

Парламентлар – Олий Мажлис ва Миллий Кенгаш ўртасидаги ҳамкорлик самарали кечаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ҳар доимгидек, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш масалалари музокаралар диққат марказида бўлди. Илмий ва академик алмашинувларни ривожлантириш, инновациялар соҳасидаги дастурларни қўллаб-қувватлаш юзасидан келишувга эришилди.

Бундан буён ҳам Ўзбекистон ва Туркманистон маданияти ва кино кунларини ўтказиб бориш, туризм соҳасидаги қўшма лойиҳаларни илгари суришга қарор қилинди.

Музокараларда минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувларининг муҳим аҳамияти қайд этилди.

– Марказий Осиёда минтақавий жараёнлар ва кўп томонлама ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши минтақадаги барча мамлакатларнинг тараққиёти ва равнақига хизмат қилишига қатъий ишонаман, – деди Ўзбекистон Президенти.

Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Давлат раҳбарлари ушбу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши мақсадида бундан буён ҳам биргаликда ҳаракат қилишга тайёрлигини билдирдилар.

БМТ, МДҲ, ИҲТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасида фаол мулоқотлар ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Туркманистон томонига Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда кўрсатган фаол кўмаги учун миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари туркманистонлик ҳамкасбини Самарқандда ўтказиладиган ШҲТнинг навбатдаги саммитида фахрий меҳмон сифатида иштирок этишга таклиф этди.

– Кўп қиррали Туркманистон – Ўзбекистон муносабатлари бугун жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон бизнинг муҳим сиёсий ҳамкоримиздир. Бугун савдо-иқтисодий шериклик масалалари батафсил муҳокама қилинди, уни кенгайтириш ва диверсификация қилишга иккала томон ҳам тайёр экани тасдиқланди, – деди Сердар Бердимуҳамедов.

Якунда давлат раҳбарлари кенг кўламли стратегик шерикликни ривожлантириш ва кенгайтириш, уни сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитиш, биродар мамлакатларимиз ва халқларимиз тараққиёти ва равнақи йўлида аниқ ва самарали натижаларга эришишга қатъий интилишларини таъкидладилар.

Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов мамлакатимизга давлат ташрифининг биринчи куни якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида Кўксарой қароргоҳининг Фахрий меҳмонлар хиёбонида дарахт экди.

Ушбу эзгу анъана яқин йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шерикликни кенгайтириш учун пойдевор бўладиган олий даражадаги музокараларнинг сермаҳсул натижаларини мустаҳкамлайди.

Туркманистон раҳбари томонидан экилган дарахт халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари бузилмас эканининг рамзларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА.**

МУНОСАБАТ

## ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ йўлидаги навбатдаги ташаббус


**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.


**Ўтган 5-6 йилликнинг чексиз шукронаси бор. Бу шубҳасиз, юз минглаб юртдошларимизнинг уй-жойли, бошпанали, ватанли бўлгани учун айтилаётган шукрона. Эътибор берсак, 250 мингдан ортиқ хонадондан иборат 8 мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар қурилди. Бу камида бир миллион аҳолининг қувончига, шукронасига сабаб бўлган воқелик аслида.**



Қурилиш соҳаси кейинги 5 йилда иқтисодиётимизнинг драйверига айланди. Агар буни пулга чақиб гапирадиган бўлсак, қурилиш ишлари аллақачон 100 трлн сўмдан ошди. Қурилишда рухсат бериш жараёнлари 17 тадан 6 тагача, ер ажратишдан бошлаб қурилишга рухсат олишгача бўлган муддатнинг 286 кундан 86 кунга қисқариши, тендерларда қатнаша оладиган қурилиш корхоналари сони 18 мингтага етгани жуда яхши ўзгаришлар. Бироқ, соҳада лойиҳалаш ва сифат борасида ҳали камчиликлар бор. Шу боис лойиҳалаш ва қурилиш ишлари бўйича янги тизим жорий этилмоқда. Яъни, ҳудудларнинг Бош режаси ва мастер режаларини ишлаб чиқиш бўйича Республика кенгаши тузилади. Булар ҳаммаси эмас. 6 июль куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши худди шу масалаларга бағишланди ва унда архитектура, қурилиш ҳамда шаҳарсозлик бўйича янги тизимга старт берилди.

Тан олиш керак, бугун дунёда қурилиш индустрияси тобора ривожланиб бормоқда. Янги шаҳарлар, мегаполислар қурилиб, соҳадаги шиддаткорлик табиийки, бизнинг ҳам олдимизга кўплаб вазифаларни, ҳал этилиши лозим бўлган ишларни кўндаланг қўяётгани бор гап. Аммо шуниси ҳақиқатки, охирги беш йилда қурилиш соҳасининг ривожига қаратилган кўплаб Фармон ва қарорлар қабул қилинди, қурилиш техникалари сон ва сифат жиҳатдан янги босқичга чиқди. Лойиҳалаш, қурилиш ишларида ёндошув ўзгарди. Соҳани рақамлаштириш, инновацияларни татбиқ қилиш бўйича янги механизмлардан фойдаланилмоқда. Сўнгги беш йилда 250 минг хонадонли 8 мингдан ортиқ кўп қаватли уйларнинг қурилгани ёки 21 мингта сервис ва 10 мингдан зиёд ижтимоий объектлар ҳамда 31 мингта корхоналарнинг ташкил этилгани ҳам тизимда салмоқли натижаларга эришилаётганини кўрсатмоқда. Шу давр мобайнида қурилиш ишлари ҳажми тўрт бароборга ошди.

Биргина ўтган йили бу кўрсаткич 107 трлн сўмни, 2022 йилнинг 5 ойида эса 46 трлн сўмни ташкил этди. Аҳолининг ортиши, урбанизация жараёнлари қурилишда нафақат миқдор, балки сифат бирламчи масала эканини ҳам кўрсатиб берди. Шаҳарсозлик норма ва қоидалари, бино ва иншоотларнинг архитектуравий ечимлари ҳақида бош қотириш, янги норматившларни ишлаб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

2-бет

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ, улар босқичма-босқич амалга оширилади

**Давлатимиз раҳбари раислигида қурилиш, шаҳарсозлик ва архитектура масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида қурилиш соҳа ходимлари олдига қўйилган вазифалар юзасидан фикр алмашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Ҳудудлар архитектураси ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Жаҳонгир АНВАРОВ билан суҳбатлашдик.**



**– Куни кеча бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Қурилиш вазирлиги зиммасига кўплаб вазифалар белгилаб берилиб, бир қатор муаммолар ҳам ўртага ташланди. Албатта, ушбу йиғилиш барча соҳани қамраб олгани билан эътиборга молик, шундай эмасми?**

– Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳада амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар билан бир қаторда тизимдаги мавжуд камчиликларга ҳам тўхталиб ўтилди. Лойиҳалаш, сифат назорати бўйича, шунингдек, соҳадаги архитектор ва мутахассисларга бўлган эътибор, уларнинг фаолиятидаги сусткашликлар бўйича ҳам давлатимиз раҳбари томонидан бир қатор танқидий фикрлар айтиб ўтилди. Албатта, бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли вазирлик ва идораларга вазифалар, топшириқлар белгилаб берилди.

2-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№51 (604) 2022 йил 15 июль



# ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ
## йўлидаги навбатдаги ташаббус

1-бет



– Президентимиз қурилиш ва лойиҳалаш бўйича комплекс ечимларни белгилади, – деди Қурилиш вазири ўринбосари Шукрулло Жаҳонгиров. – Бош режаларимиз соҳасида ҳам умумий тизимли ягона йўналиш таклиф этди. Уч босқичда лойиҳаларни ишлаб чиқиш, айнан мастер планларни ишлаб чиқишда керакли бўғинларни яратиш бўйича таклифлар берди. Бу эса Ўзбекистон Республикасида умумий Бош лойиҳа офиси ташкил қилиниши демакдир. Ундан ташқари, вилоятларимизда ҳам Лойиҳа офислари ташкил қилинади. Олдин лойиҳачиларимиз биринчи навбатда маълумотларнинг барчасини ўзлари йиғишга ҳаракат қилишарди. Бу эса албатта, камчиликларни келтириб чиқарарди. Эндиликда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартиш вазирлиги ҳамда қурилиш вазирлиги умумий бирлашган ҳолда Лойиҳа офиси тизимини ташкил этади. Бу, ўз навбатида, қурилишни иқтисодиёт тарафлама ўрганиш ва ўз тасдиғини топгандан кейин лойиҳалашга ўтишдир. Иқтисодий фойда келтиришини биринчи навбатда кўриб чиққан ҳолатда, сўнг уни лойиҳалашга ўтсак, мукаммал ечим бўлади. Қурилиш вазирлиги олдига вазифалар қўйилди. Жумладан, бундан кейин ҳар бир вилоятда энг камида 5 тадан айнан Бим системасида лойиҳалаш вазифаси қўйилди. Ҳозирги кунда Бим системаси дунёда кенг қўлланилмоқда. Лекин Ўзбекистон бозори бу борада у қадар ривожланмаган. Сабаби, бизда талаб йўқ эди. Энди эса Бим тизимида ишлаш учун бозор ҳосил бўлади. Маълумотнинг тўғрилиги ва лойиҳачиларни ўзаро интеграцияси биринчи ўринга чиқади. Бу, ўз навбатида, лойиҳалашда хатоликларни минимал даражага туширади. Бу ерда инсон омили ноль даражага тенг бўлади.

Мазкур тизим Наманган вилояти мисолида амалиётга татбиқ этилади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, келгуси 5 йилда вилоятда аҳоли сони 10 фоизга ўсиб, 3 миллион нафарга, иқтисодий фаол аҳоли эса 15 фоизга ортиб, бир миллион тўрт юз минг нафарга етади. Вилоятда хизматлар соҳаси, саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик тадбиркорликнинг ҳам ривожланиши тахмин қилинмоқда. Бундан хулоса қилиш мумкинки, 5 йилда Наманганда саноат ва хизмат кўрсатиш драйвери пайдо бўлади.



– Президентимизнинг топшириқларига кўра ишлар уч босқичда ташкил этилади, – деди Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари Саидаҳмад Султонов. – Биринчиси, беш йилгача бўлган босқич, бу яқин босқич. Амалга ошириладиган ишларни режа қилиш даври бўлади. Иккинчи босқич, ўрта босқич – 10 йиллик ҳамда узоқ муддатли – 15 йилгача бўлган босқич. Режаларимизда биз амалда ишлаб келган эски қолипдаги режалардан фарқли ўлароқ, аҳолига, жамоатчиликка аукционда талабгор бўладиган тадбиркорлик субъектларига лойиҳаларимизни Мастер планлари билан бирга уларнинг кўринишлари, ечимлари ва келажакдаги жараёнларни кўз олдида шакллантириб берамиз. Буни “Янги Наманган” шаҳарчасида мисол тарзида бажариб кўрдик. Туркиялик мутахассислар билан лойиҳани ишлаб, тақдимотлар ўтказдик. Аукционга қўйган ерларимиз аввалгига нисбатан халқ кўзи билан кўргач, нархи ошди, ернинг қадри ортди. Халқ келиб кўрди, хато ва камчиликларни билдирди. Жамоатчилик муҳокамасига қўйганимизда, талаб қилинган Бош режаларни эртага ишлаб кетиши учун бўлган жараёнларни, реал фикрларни ўрганиш имкониятини берди. Президентимиз шаҳар, туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари билан Бош архитекторларга Мастер режаларни ишлаб чиқишда ва кейинчалик уларни ривожлантиришда иқтисодий нуқтаи назардан халққа, жамиятга фойдаси тегадиган қилиб ишлаб чиқишга топшириқ берди. Шунингдек, унда уй-жой, мактаб, боғча, шифохона, савдо ва сервис хизмати объектларини ҳам жойлаштириш кўзда тутилган. Илгари Бош режа ишлаб чиқилиб, унга ўзгартириш киритиш жуда ҳам қийин бўларди. Ҳозир эса ривожланиш соҳасида зоналарга ажратиш учун бизга имконият берилди.

Бош схема, Бош режа ва Мастер режалар ишлаб чиқиш учун жорий йилда ушбу соҳага 200 миллиард сўм ажратиладиган бўлди. Мастер режаларни ишлаб чиқишда аҳоли таклифларини жамлайдиган “Менинг маҳаллам” платформасининг ишга туширилиши тизимда жамоатчилик фикри ва назоратини шакллантириш бўйича яна бир муҳим қадам бўлди. Эндиликда барча туман ва шаҳар қурилиш бўлимларига малакали архитекторлар раҳбар этиб тайинланади. Асосийси, соҳага хусусий секторни жалб қилиш учун Бош режалар лавҳасини тайёрлашга қўйиладиган талаблар янада такомиллаштирилади. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш тизими ҳам келгусида тўлиқ ўзгаради. Масалан, кўп қаватли биноларнинг ер ости автотураргоҳи учун ҳар бир минг квадрат метрга алоҳида ёнғин, хавфсизлик тизими зарур. Халқаро тажрибада эса бу меъёр 9 минг квадрат метр. Яъни, бизда ушбу тизим учун икки баробар кўп маблағ сарфланмоқда. Шу боис, эндиликда халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган лойиҳаларга Техник кенгаш хулосасини олиш тартиби бекор қилинадиган бўлди. Гап шундаки, халқаро стандартлар асосида хорижда экспертизадан ўтказилган лойиҳалар тўғридан-тўғри тан олинади. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари камида икки баробарга қисқаради ҳамда халқаро меъёрларга тўлиқ мослаштирилади.

Эътиборли томони лойиҳа бошқаруви офисларини жорий қилишда бугунги кунда амалда ўз исботини топган “Янги Андижон” массивини қуриш жараёнлари айни муддао бўляпти.



– “Янги Андижон” шаҳрида асосий урғу беришимиз керак бўлган жиҳатлардан бири бу – унинг замонавийлиги ва рақамли технологиялар остида ишлаши ҳамда унинг таннархида, – деди “Янги Андижон” дирекцияси раҳбари Азизбек Омонов. – Биринчи босқичдаги макетларимизда IT технологияларидан фойдаланилган. Ушбу босқичда жойлашадиган уй-жойларимизнинг виртуал турини интернет тармоғи орқали ўз саҳифамизга жойлаганмиз. Буни дунёнинг исталган жойидан бемалол кўриш мумкин. Биринчи навбатда, буни виртуал тур қилишимиздан мақсад бу ерда жорий қилинаётган Бош режа асосида келажакда қуриладиган уйларнинг ҳар бирининг кўриниши, хонадонларнинг ички бўлиниши ёки бўлмаса ҳар ҳафта янгиланиб турган қурилиш жараёни видеоматериаллари жойлаштириб борилади. Янги шаҳар қайси қурилиш босқичида эканини бемалол кўриш мумкин бўлади. Жуда кўп ечимларимиз IT технологияси ва рақамли технологияларга таянган ҳолатда амалга оширилмоқда. Оддий мисол, Ўзбекистонда илк бор “Янги Андижон”да жорий қилинган Метробус тизими ҳам Бим технологиялари асосида бошқарилиб, ҳаракатланиб келаётган автобусни ҳеч қандай тўсиқсиз бир меъёрда ҳаракатини амалга ошириши учун чорраҳанинг бошқа ҳаракатланувчи транспорт воситаси ва пиёдалар ҳаракатини тўхтатган ҳолатда метробусни чорраҳада хавфсиз ўтиб кетишини таъминлаб беради.

Очиғи, қурилишда товарлар ва хизматлар нархини шакллантириш тизими тартибга солинмаган эди. Бу эса бир хил объект учун қурилиш қийматининг турлича белгиланишига олиб келарди. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, қурилишда ишларни баҳолашга бўлган ягона ёндошув бўлмаган. Эндиликда шаҳарсозлик нормаларидан қурилиш ишларини баҳолаш билан боғлиқ бўлган 147 та норма чиқариб ташланади.

Нормалар қисқариши даврида биринчи навбатда нормаларнинг ишлаб чиқиш тезлиги ошади. Ундан ташқари, бу янгилик чет элда қилинган ёки дунё стандартида қилинган лойиҳаларимиз аввал адаптацияда кетиши керак эди. Уни ўзимизга мослаштириб, нормаларга солишимиз керак эди. Бу, ўз навбатида, уч, тўрт ой вақтимизни оларди. Яъни, уни экспертизадан ўтказиш, адаптация жараёнлари қийнарди. Айтганимиздек, IBC тизимида қилинган лойиҳалар тўғридан-тўғри чет элда экспертиза қилинган ҳолатда Ўзбекистонда қурилишга рухсат берилади. Архитектура ва лойиҳалаш соҳасида янги давр очилди, деб айта оламан. Янги Ўзбекистон қурилиши учун янги лойиҳалаш даври келди. Қурилиш тизими дунё стандартига яқинлашди. Дунё билан бир тилда гаплаша олишимиз бошланди. Демак, “Янги Андижон” тажрибасини кўрадиган бўлсак, у қандай ташкил қилинган эди. Биринчи навбатда, Бим тизими орқали умумий боғланиш бор эди. Иккинчи навбатда, буюртмачи сифатида дирекция очилган ва буюртмачи қошида Лойиҳани бошқариш офиси ташкил этилган. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари барча қурилишларга, барча буюртмачиларга лойиҳани бошқариш офисини ташкил қилишни алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу, ўз навбатида, ҳозирги кунда буюртмачи сифатида ишлаётган ташкилотларга жуда катта имкониятларни беради.

Қурилиш жараёни ва иш ҳажмини ҳисоблашнинг рақамлаштириш жараёнига қатъий киришилади. 2023 йилдан эса “Ягона буюртмачи” компанияларининг лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш, янги қурилишлар бўйича техник-назорат функциялари босқичма босқич аутсорсинг асосида хусусий секторга бериладиган бўлди. Қурилишда ҳудудий назорат инспекциялари фаолиятини тубдан такомиллаштириш ҳам долзарб масала. Шу боис, ушбу инспекция фаолиятини қайта кўриб чиқиб, унинг ишини қурилишдаги тизимли камчиликлар сабабларини таҳлил қилган ҳолда, ривожлантиришни даврнинг ўзи ҳам тақозо этмоқда. Бу соҳадаги давлат назорати инспекцияси жарима қўллашдан аввал қурилишдаги камчликларнинг 70 фоизи кўпинча такрорланиши ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриши зарур. Бу масалага видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари алоҳида тўхталиб ўтди.



– Буюртмачи техник ва лойиҳа ташкилотлари муаллифлик назорати фаолиятини ҳам рақамлаштиришимиз керак, – деди Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси раҳбарининг ўринбосари Алижон Соатов. – Бу борада ишлар бошлаб юборилган. Икки, уч ойда электрон тизим яратилиб, ишга туширишни режалаштирганмиз. Бу тизимнинг афзал томони шундаки, давлат назорат инспекторлари масофадан туриб буюртмачи ташкилотларнинг техник-назоратини, лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назорати томонидан олиб борилаётган ишларни кўриб туради ва ўша ерда таҳлил қилиш тизими ҳам жорий қилинади. Ҳар бир ҳудудда 14 та кўчма қурилиш синов лабораториялар ташкил этилди. Тизим тўлиқ рақамлаштирилиб, хавфни таҳлил қилиш жорий қилингач, қурилиш объектидаги сифат юқори поғонага оширилади. 30 мингга яқин объектимизнинг 20 мингга яқини хусусий сектордаги қурилиш объектлари ҳисобланади. Таҳлилимизга кўра, мазкур объектларда техник-назоратни амалга ошираётган ходимларнинг ҳаммаси ҳам қурилиш соҳасига алоқаси бор мутахассислар эмас. Хусусий секторга мазкур фаолият аутсорсинг асосида чиқарилгандан кейин назорат соҳасида кадрларни сертификатлаш масаласи ҳам йўлга қўйилади. Ривожланган давлатлар каби назорат сертификациядан ўтган малакали мутахассислар томонидан амалга оширилади.

Соҳанинг ривожи албатта, кадрлар тайёрлаш масаласи билан бевосита боғлиқ. Бу эса айни соҳага ихтисослашган олий таълим муассасалари фаолиятида халқаро таълим дастурларини жорий қилишни тақозо қилади. Эндиликда бу масалаларга ҳам ечим топилди. Гап шундаки, талабаларнинг етакчи лойиҳа қидирув институтлари ва қурилиш кластерларига бириктирилиши орқали таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш кўзда тутилмоқда.



– Ўзбекистон қурилиш соҳасида дунёда ўз ўрнига эга. Давлат раҳбари бу соҳани янада ривожлантириш борасида муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда, – деди Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори Эржан Кахъя. – Янги Ўзбекистоннинг қурилиш соҳасида янги технологияларни жорий этиш бу жуда тўғри қарор. Мазкур ғояларни тез орада реал воқеликка айланишига ишонаман. Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори сифатида шуни айтишим мумкинки, соҳада қурилиш материаллари ва стандартлар муҳим масала. Бу жараёнда ушбу соҳага йўналтирилган олий таълим муассасалари олдинги ўринларни эгаллаши керак. Чунки, бу техник масала. Бугун профессионал муҳандис ва қурувчиларга эҳтиёж катта. Биз яқин кунларда институтимизда янги ислоҳотларни бошлаймиз. Жаҳон стандартларига мос равишда таълим берадиган олий таълим даргоҳига айланамиз. Ўзбекистон Президенти ҳам бизга катта ишонч билдирди. Умид қиламизки, яқин кунларда бу соҳага қаратилган қарор қабул қилинади ва биз фаолиятимизни янада жадаллаштирамиз.



– Президент томонидан қурилиш ва архитектура соҳаларидаги муҳим масалалар кўриб чиқилди, – деди Самарқанд архитектура-қурилиш институти ректори Чидем Туркйилмаз. – Уларнинг орасида энг муҳими, бу олий таълим муассасалари фаолияти ва кадрлар тайёрлаш тизими саналади. Мен Самарқандда 10 ойдан бери хизмат қиляпман. Бу борада мени қўллаб-қувватлагани учун давлат раҳбарига миннатдорлик билдираман. Институт урбанизация, архитектура, маданий мерос объектларини тиклаш, дизайн соҳалари бўйича ихтисослаштирилди. Бу жуда катта ислоҳот саналади. Қурилиш ва архитектура соҳасини ривожига катта ёрдам беради. Қувонарлиси, жорий ўқув йилидан молиявий ва академик мустақил бўляпмиз. Бу институтимиз баъзи мавзуларда ўз қарорини чиқариши, ўқув дастурларини янгилаши, ўзгартириши, умуман кадрлар тайёрлашни янги босқичга олиб чиқишига кўмак беради. Видеоселекторда лойиҳалаш соҳаси ва архитектура тармоқлари учун хориждан мутахассисларни жалб этишга ҳам устувор аҳамият қаратилди. Бу ҳам ўйлайманки, ҳудудларнинг ривожига ҳисса қўшади. Чиндан ҳам архитектура ва қурилиш соҳаси ривожида хорижлик малакали кадрлар билан маҳаллий кадрларнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Мастер режаларни тузишда ҳам шундай. Йиғилишда берилган вазифаларни амалга ошириб, соҳани малакали кадрлар билан тўлдиришга ҳаракат қиламиз.

Одамларни уй-жойли қилишда Ипотека кредитларидан фойдаланиш даражасини ҳам қайта кўриб чиқишни бугунги ҳолат талаб этмоқда. Шу боис, жорий йилда айни масалалар ечими ҳам кун тартибидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2022 йилда бюджет ва тижорат банкларига 43 мингта уй-жой учун 13 трлн сўм, 29 минг нафар аҳолига субсидия учун 1 трлн 200 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган. Лекин ўтган 6 ойда аҳолига бу маблағларнинг 28-30 фоизи берилган холос. Шу боис, бу борада ҳам бюрократияни камайтириш, аҳолига комплекс хизмат кўрсатадиган Ипотека марказларини ташкил қилиш юзасидан аниқ чоралар ҳаётга татбиқ этилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инсон, унинг қадр-қиммати, яхши яшаши, орзуларини рўёбга чиқариш йўлида яна бир хайрли қадам ташланди. Обод шаҳару манзиллар барпо этиш мақсадида муҳим стратегиялар ишлаб чиқилмоқда ва бу чоралар инсонларнинг манфаатларини таъминлаш йўлидаги навбатдаги ташаббус бўлиши шубҳасиз.

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ,
## улар босқичма-босқич амалга оширилади

1-бет

**– Ушбу кўтарилган масалаларнинг долзарблиги ва аҳамиятини сиз, мутахассис сифатида нималарда кўрасиз?**

– Республикамизда шаҳарсозлик ва архитектура соҳасини ривожлантиришда шаҳарсозлик ҳужжатлари, яъни Бош режаларнинг ўрни жуда муҳим. Давлатимиз раҳбари Бош режаларнинг бугунги замон талабларига жавоб бермаслиги, ҳозирги кунда тасдиқланган Бош режаларнинг ҳудудларда ижро этиш имкониятлари йўқлиги бўйича танқидий фикрларни билдирди. Ҳар бир Бош режа ижтимоий-иқтисодий ҳисоб-китобларга, кўрсаткичларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим. Бугунги кунга қадар шаҳарсозлик ҳужжатлари, Бош режалар лойиҳа институтлари томонидан амалга оширилиб, тегишли вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлимлари томонидан берилган статистик маълумотларга таянган ҳолда ишлаб чиқилар эди. Бу жараёнда сусткашликлар мавжуд. Албатта, буларни бартараф этиш бўйича ҳам йиғилишда бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Яъни, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича Лойиҳа офислари ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди. Мазкур офисларда ҳокимнинг иқтисодиёт бўйича ўринбосари, вилоят архитекторлари бирдек масъуллиги ва бош-қош бўлиши бўйича вазифалар айтилди. Ушбу Лойиҳа офислари томонидан ишлаб чиқилган техник топшириқларга асосан ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий концепцияси белгилаб олинади.

**– Табиийки, эришилаётган ютуқлар билан биргаликда муаммолар, камчиликлар ҳам мавжуд. Яъни, соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар бор. Видеоселектор йиғилишидан сўнг олдиндаги режа ва мақсадлар қандай?**

– Устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, ҳокимликлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар томонидан йиғилиш бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган топшириқларни қай тартибда ижро этиш, ишларни самарали ташкил этиш борасида бир қатор вазифалар муҳокама қилинди. Ҳудудларда Лойиҳа офисларини тўғри ташкил этиш, мазкур офисларга хорижий компанияларни, архитектура ва шаҳарсолик соҳасидаги тажрибали мутахассисларни жалб қилиш, шунингдек, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда ерлардан оқилона фойдаланишни белгилаш, мастер режалар ва уларнинг кимлар томонидан ишлаб чиқилиши бўйича семинар-тренинг тарзида муҳокама йиғилишлари ўтказилди. Мазкур кенгашлар вилоят миқёсида ҳам ташкил этилиши белгилаб олинди. Шаҳарсозлик кенгашларида 5 ёки 6 та эркин фаолият юритувчи мутахассисларнинг иштирок этиши белгиланди.

**– Соҳани ривожлантириш, хориждаги ишлар билан мавжуд вазиятни қиёслашимиз, улар билан тажриба алмашишимиз муҳим. Бугунги кунга қадар қурилиш соҳасида айнан мана шу тажриба орқали қилинаётган ишлар қай даражада эди ва эндиги режалар қандай?**

– Албатта, соҳани такомиллаштиришда хорижий тажриба муҳим. Бу борада олиб борилаётган ишларга тўхталадиган бўлсак, ўтган ҳафтада бир қатор делегация вакиллари таклифига кўра, Қурилиш вазирлиги мутасаддилари Япония ва Корея давлатларига бориб келишди. Шаҳарсозлик норма ва қоидаларимизга тегишли ўзгартиришлар киритиш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда қайта ишлаб чиқиш юзасидан тажриба алмашиб қайтдилар. Маълумки, Япония сейсмик жиҳатдан фаол ҳудуд ҳисобланади. Шу сабабли уларнинг тажрибаси бизга жуда муҳим. Шунинг учун сейсмология бўйича мавжуд шаҳарсозлик норма ва қоидаларини қайтадан таҳрир қилиш, Япония ва Корея давлати нормативларини республикамизга кенг татбиқ этиш борасида фикрлар билдирилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда соҳага малакали мутахассисларни етказиб берувчи Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти мавжуд. Бугунги кунда ушбу олий таълим муассасаларида ўқитиш тизимини такомиллаштириш, хорижий тажрибаларни ўрганиш, қўшимча тарзда маданий мерос, туризм объектлари ва тарихий қадамжоларни ўрганиш юзасидан қўшимча йўналишлар очиш бўйича, бир сўз билан айтганда, бу иккала олий таълим даргоҳини трансформация қилиш борасида ишлар бошлаб юборилган.

**– Бугунги кунда соҳада кадрлар масаласи бўйича олиб борилаётган ишлар қай даражада? Биламизки, соҳани ривожлантиришда илмли, ўз мутахассислигини мукаммал эгаллаган кадрлар керак.**

– Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кунда соҳа вакиллари, яъни, архитектор ва лойиҳачиларга бўлган эътибор бир мунча сусайган. Уларнинг малакасини ошириш, хорижий тажрибани ўрганишга имконият яратиш, архитектор мутахассисларни моддий рағбатлантириш, қурилиш органларининг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича ҳам бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Шундан келиб чиқиб, Қурилиш вазирлиги тизимида вазирнинг биринчи ўринбосари ҳисобланувчи Бош архитектор лавозими жорий этилади. Шунингдек, ҳудудларимизда вилоят бош архитекторларига бир қатор ваколат ва функциялар топширилади. Ҳудудларимизда архитектура ва шаҳарсозлик назорати юзасидан ишларни олиб боришда архитекторлар билан биргаликда маҳаллий ҳокимликларнинг қурилиш бўйича ўринбосарлари ҳам бирдек масъул экани таъкидлаб ўтилди. Албатта, бу архитекторларимизнинг масъулиятини оширади, иш жараёнини тўғри ташкил қилишда катта мотивация беради.

**– Айнан мана шу йиғилишдан кейин хулосалар қандай, келгусидаги режалар қай тартибда бўлади?**

– Мазкур йиғилишдан сўнг вазирлигимизда бўлиб ўтган йиғилишда тегишли мутасадди ташкилотларга ҳам бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Улардан энг асосийси Шаҳарсозлик норма ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш, хорижий тажрибани қўллаган ҳолда мукаммаллаштириш ва уларни қисқартириш, ҳар уч, тўрт йилда қайтадан ўзгартиришлар киритиш орқали янгилаб бориш зарур. Бош режалар, мастер режалар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш тартибини қайта кўриб чиқишни такомиллаштириш вазифалари устувор. Мазкур жараёнда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ва ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда тайёрлаш тартибини жорий қилиш, қурилиш материаллари классификаторларини ишлаб чиқиш белгиланди. Бу албатта жуда муҳим. Чунки, ҳозирги кунда республикамизда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркорларимиз кўпайган. Уларнинг фаолиятига ёрдам бериш ва қурилиш материаллари кўламини кенгайтириш, маҳаллий хомашё асосида тайёрланаётган қурилиш материаллари сифатини ошириш ва шу билан бирга уларнинг нархини арзонлаштириш бўйича ҳам вазифалар белгиланди. Бу борада Қурилиш вазирлиги ҳузурида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот портали қурилиш материалларининг электрон классификаторини жорий қилиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Қурилиш вазирлигининг “Шаффоф қурилиш” электрон тизимида шаҳарсозлик паспортлари электрон платформаси яратилиши маълум қилинди. Ушбу платформада республика, вилоят, туман, шаҳар, маҳаллаларимизнинг электрон паспортлари шакллантирилади. Яъни, ушбу ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари, аҳоли сони, ёш жиҳатдан статистик маълумотлар, ҳудуднинг қайси соҳага ёки тармоққа ихтисослашгани, иқтисодий қобилияти, тадбиркорлик салоҳияти ва ушбу ҳудуднинг умумий майдони, ерлар ҳақидаги маълумотлар, ижтимоий соҳа объектлари, уй-жойлар каби барча тегишли маълумотлар мужассам бўлган электрон платформа жорий қилиниши белгиланди. Мазкур платформа тегишли вазирлик ва идоралар билан ўзаро интеграция қилинган ҳолда амалга оширилиши, яъни статистик маълумотларга аниқ таянилиб жорий қилиниши таъкидланди. Бу архитектор ва мутахассисларимиз томонидан аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда лойиҳалаш ишларини амалга оширишга кўмак беради. Бу очиқ электрон платформа ҳисобланиб, жамоатчилик вакиллари, фуқаролар, тадбиркорларимиз учун ҳам статистик маълумотларга таяниб, ўз фаолиятини олиб боришда қўл келади.

**“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири Наргиза МИРЁҚУБОВА ёзиб олди.**

# КЕНГ ВА РАВОН ЙЎЛЛАР

## автотранспорт ҳамда фуқаролар ҳаракати учун қулайлик демакдир

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.





**Муқаддас ҳадисларда ҳам, бугунги кунда ҳам йўл ва кўприк қурган савоб, дейилади. Аслида савобнинг тури кўп, ҳисоби йўқ. Айтайлик, йўлда турган тошни бир четга олиб қўйиш ҳам савоб. Чунки агар ўша тош автомашина баллонига кириб қолса қаердадир отилиб чиқиб, кимгадир жароҳат етказиши мумкин. Шу боис, йўл қанчалик соз ва равон бўлса, йўловчи ҳам, транспорт ҳам хавфсиз ҳаракатланади. Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси меҳнат жамоасининг нияти ҳам транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракати учун қулайлик яратишдир. Корхона жамоаси йўлларни босқичма-босқич жорий таъмирдан чиқариш орқали аҳолининг узоғини яқин, мушкулини осон қилиш мақсадида меҳнат қилмоқда.**

Туманнинг кўплаб қишлоқларидаги йўллар инфратузилмаси узоқ йиллар давомида оғир ҳудуд саналиб, кўчалар ёзда чанг, қишда лой, ўнқир-чўнқир бўлиб, транспортлар ҳаракатланиши қийин кечган. Айниқса фуқароларнинг ишга, ўқувчиларнинг эса тупроқ кечиб мактабга боришлари оддий ҳолга айланган эди. Эндиликда аҳолининг ҳаёт тарзи тамомила ўзгарди. Саратоннинг жазирамасида деймизми, қишнинг қирчиллама изғиринидами меҳнат қилаётган йўлсозлар қудратли техникалардан унумли фойдаланган ҳолда тор йўлларни кенгайтириб, асосий қисмига шағал тўкиб, асфальт ётқизиб, нотекис ҳудудларни равон ҳолга келтиришмоқда.

– Бугунги кунда туманимизда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини замонавий талабларга мослаштириш ва техник параметрларини ошириш борасида бир талай ишларни амалга оширдик, – деди корхона директори Нодиржон Йўлдошев. – Бу вазифаларни бажаришда бизга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Фармонда йўл хўжалигини бошқаришнинг замонавий тузимини яратиш, назорат ва хўжалик функцияларини аниқ чегаралаш, йўл қурилишига замонавий инновацияларни кенг жорий қилиш мақсад қилиб қўйилган. Фармон ижросини таъминлаш мақсадида корхонамизга янги, замонавий техникалар сотиб олдик. Асосийси, ишимизда ҳамиша сифатга алоҳида эътибор қаратамиз. Қурилиш ишлари устидан доимий равишда техник назорат амалга оширилиб, аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф қилиб борилади.

Корхона умум фойдаланишдаги 384 километр автомобиль йўлларида сақлаш, жорий таъмирлаш ва қишки қаров ишларини олиб боради. Шундан, 105 километри давлат ва 279 километри маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллардир. Бундан ташқари, 106 та автобекатлар, 64 та кўприк ҳамда 1 127 та қувурларга ҳам хизмат кўрсатилади.

Рақамлар ўжар бўлади, дейишади. Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларида корхона ишчи-хизматчилари томонидан 878 млн 308 минг сўмдан ортиқ жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, бу борадаги сақлов режаси 877 млн 766 сўмга етказилди. Маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ишлари 830 млн 164 минг сўм эвазига бажарилди ёки 1 млрд 708 млн 472 минг сўмлик жорий таъмирлаш ва 2 млрд 387 млн 851 минг сўмлик сақлов ишлари бажарилди.

Ҳар қандай касб соҳиби ўзига бириктирилган вазифани сидқидилдан бажарса, баракаси бўлаверар экан. Боиси, йўлчиларнинг амалга ошираётган ишларидан аҳоли беҳад хурсанд. Буни узоқ йиллар божхона органида хизмат қилиб, айни кунларда қарилик гаштини сураётган Катпут қишлоғида яшовчи Боқижон Абдубаннопов ҳам тасдиқлади.

– Аҳолимиз йилдан-йилга кўпаймоқда. Бу ҳар бир оиланинг ўз уйи, ватани бўлишини тақозо этади. Қишлоғимиздаги янги маҳаллаларга ёш оилалар кўчиб боряпти, элга эл қўшиляпти. Ана шу маҳаллалардаги кўчаларни шағаллаштириш ва асфальтлаш ишига туманимиздаги йўл қурилиши ташкилоти ходимлари катта ҳисса қўшмоқда. Корхона раҳбари Нодиржондан қишлоғимиз халқи жуда миннатдор. Кейинги йилларда юриш учун анчайин муаммолар келтириб чиқараётган кўчаларимиз шағаллаштирилди. Энди асфальт ётқизиш чоралари кўриляпти. Бу ишларни бошида турган йўлчиларга, туман ҳокимлигига минг раҳмат, – деди у.

Корхонада келгусида автомобиль йўллари, кўприклар ҳамда йўл ўтказгичларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, объектларни жиҳозлаш ҳамда техникалар харид қилиш учун манзилли дастур ишлаб чиқилган. Шу тариқа туманда йўл-транспорт инфратузилмаси янада ривожлантирилиб, янгиланмоқда. Амалга оширилаётган мазкур ишлар албатта, аҳоли турмуш даражаси ва сифати яхшиланишига хизмат қилмоқда.

# Бировнинг меҳнатига жонингиз ачимайдими?

**Яқинда Риштон тумани ҳокимлигига Олтиариқ тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонасидан шикоят-ариза келиб тушди. Унда таъкидланишича, Марказий Фарғонада корхона тасарруфида бўлган, лекин Риштон тумани ҳудудидаги асфальтлаштирилган 5 километр йўл тадбиркор хизматидаги оғир юк автомобилларининг ҳаракатланиши оқибатида яроқсиз ҳолга келтирилмоқда.**

Яъни, “Булоқбоши Шуҳрати” фермер хўжалигига қарашли ернинг захини қочириш мақсадида зовурни қазишдан чиққан тупроқ тадбиркорнинг ғишт заводига ташилмоқда. Оғир юкларни ташишга мослашган улкан автомобилларга керагидан ортиқ қум юкланиши оқибатида йўл ёрилиб, чўкяпти. Бу ҳолат эса йўлда бошқа транспортлар қатнови учун ноқулайликлар келтириб чиқармоқда. Йўлнинг айрим ҳудудлари эса деярли яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Ушбу масалани жойида ҳал қилиш мақсадида ҳудудга Риштон тумани ҳокими Суфхонжон Солиев, туман Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси вакиллари, “Истиқлол” МТПга қарашли “Булоқбоши Шуҳрати” фермер хўжалиги раҳбари Шуҳрат Рустамов ва хусусий тадбиркор учрашдилар.

– Бугунги кунда амалдаги Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонунга кўра, мазкур 3-даражали 1 километр йўл ҳақиқатан ҳам зарар кўрган, – деди Суфхонжон Солиев. – Ҳозир бу йўл анча чўкиб, бузилган. Қайта асфальт ётқизилгани билан йўл тикланмайди, ўз ҳолига келмайди, яна чўкаверади. Қонунга ҳамма бўйсуниши керак. Агар тупроқ ташиш учун “КамАЗ” автомашинаси бириктирилган бўлса, бошқа машинага юк ортилмаслиги, автомашинанинг кўтариш қобилияти 10 тонна бўлса, ундан ортиғини юкламаслик лозим. Ҳар қандай юк йўл категориясига қараб ортилади. Қолаверса, тупроқ ҳам давлат мулки. Уни ваколатли ташкилотлар рухсатисиз ташишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Йўл шу ҳолатга келаётганидаёқ транспортлар ҳаракатини тўхтатиш, бу масалада туман Экология инспекцияси билан келишиш ҳамда рухсат олиш лозим эди.

Аниқланишича, бу ерда қонун бузилган. Йўлдан фойдаланувчи юкнинг категориясига қараб ташиши лозим эди. Яна бир гап, қонунга кўра юки бор автомашинада оддий тупроқми, шағал, тошми усти ўралган бўлиши керак. Чунки атрофга тушиб, ифлос қилмасин. Автомашиналарга ҳам, фуқароларга ҳам, экологияга ҳам зарари тегмасин. Акс ҳолда шундай ҳолатга йўл қўйган автомашина бошқарувчиси ҳам, ишнинг раҳбари ҳам қонунда белгиланган тартибда жаримага тортилади.

Йўлнинг бугунги ҳолати чиндан ҳам ачинарли. Совуқ кунларда ёғингарчилик бўлиб асфальт ичига сув кирса, кечаси музлаб, эртаси куни иссиқда эриганда парча-парча бўлиб, уқаланиб кетади. Корхона ишчиларининг шунча меҳнати эса бир пул бўлади.

Очиқ мулоқот давомида фермер, қумни ғишт заводига ташитаётган тадбиркор, юкни юклаётган экскаваторчи-ю автотранспорт эгалари қисқа муддатда ушбу йўлни асл ҳолига келтиришлари юзасидан келишиб олдилар. Шунингдек, бундан буён тадбиркорга ҳар қандай шароитда амалдаги қонунга бўйсунган ҳолда ҳамда йўлчилар билан бамаслаҳат иш юритиши лозимлиги уқтирилди.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси Риштон тумани бўлими бошлиғи Исломбек Жўрабойзода томонидан 2022 йил 13 июль куни имзоланган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари билан жазо қўллаш ҳақидаги қарори қабул қилинди. Унда Олтиариқ туманида яшовчи қонунбузар фуқаро Дилшод Носировга нисбатан 3 миллион сўм миқдорида жарима қўлланилган.


# Приглашение к участию в торгах

**Страна:** Республика Узбекистан.
**Проект:** “Модернизация сельского хозяйства Республики Узбекистан”.
**№ Кредита:** 6549-UZB.
**Название контракта:** Реконструкция здания Джизакского областного регионального центра AKIS в МСГ “Учтепа” Ш. Рашидовского района Джизакской области.
**Номер для ссылки (в соответствии с планом закупок):** AMP/C1/CW/07.

1. Республика Узбекистан получила финансирование от Всемирного банка на покрытие расходов в рамках проекта “Модернизация сельского хозяйства Республики Узбекистан”, и намеревается использовать часть средств на осуществление платежей в рамках контракта AMP/C1/CW/07 – “Реконструкция здания Джизакского областного регионального центра AKIS в МФЙ “Учтепа” Ш. Рашидовского района Джизакской области”.

2. Международный центр стратегического развития и исследований в сфере продовольствия и сельского хозяйства при Министерстве сельского хозяйства (ISCAD) Республики Узбекистан приглашает к подаче запечатанных конкурсных предложений от правомочных участников торгов по выполнению проекта “Реконструкция здания Джизакского областного регионального центра AKIS в МФЙ “Учтепа” Ш. Рашидовского района Джизакской области”.

3. **Конкурсные торги будут проводиться по следующим процедурам национальных конкурсных торгов в соответствии с Руководством Всемирного банка:** Правила закупок для заёмщиков. Закупки в рамках финансирования инвестиционных проектов. Товары, работы неконсультационные и консультационные услуги. Июль 2016 г. (“Руководство по закупкам”), и открыты для всех правомочных участников торгов в соответствии с тем, что определено в “Руководстве по закупкам”. Кроме того, просьба обращаться к параграфу 3.14 где изложена политика Всемирного банка в отношении конфликта интересов.

4. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить дальнейшую информацию в и получить электронную версию документации для торгов при подаче письменной заявки по указанному ниже адресу.

5. Конкурсные предложения должны подаваться в срок не позднее **30 августа 2022 г. до 16.00.** Электронные торги не разрешаются. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены. Конкурсные предложения будут вскрыты публично в присутствии назначенных представителей участников торгов, желающих присутствовать по адресу, указанному ниже.

6. Все конкурсные предложения должны сопровождаться “Залоговым обеспечением конкурсного предложения” в форме банковской гарантии на сумму **190 млн сум** и гарантийной декларацией в установленной форме.

7. **Адреса, упомянутые выше:** Международный центр стратегического развития и исследований в сфере продовольствия и сельского хозяйства при Министерстве сельского хозяйства РУз.

**Кому:** Алишеру Шукурову, Директору.
**Адрес:** ул. Лабзак, д. 1“А”.
**Этаж/номер комнаты:** 1-этаж, комната ГРП “Модернизация сельского хозяйства Республики Узбекистан”.
**Город:** Ташкент.
**Почтовый индекс:** 100128.
**Страна:** Узбекистан.
**Телефон/факс:** 71-241-33-30.
**Адрес электронной почты:** amcp@rra.uz



# “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

**бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!**

**Аукцион савдога “MOMENT-KREDIT LOMBARD” МЧЖнинг 2022 йил 13 июлдаги 31-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2022 йил 18 январь ва 11 февралдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Саломатлик кўчаси, 19-уй, 7-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 1082 | Цепочка; кулон. Общим весом 33,66 гр. | 14 254 650,00 |
| 2. | 1115 | Серьги с к.к. Общим весом 4,41 гр. | 1 831 650,00 |
| 3. | 1136 | Кольцо с к.к.; кольцо с к.к.; серьги с к.к. Общим весом 12,01 гр. | 5 013 150,00 |
| 4. | 1210 | Кольцо с б.к.; кольцо с б.к. Общим весом 4,70 гр. | 1 831 650,00 |
| 5. | 1579 | Цепочка. Общим весом 3,94 гр. | 1 680 150,00 |
| 6. | 1650 | Кольцо обр. с б.к.; кольцо с б.к. с деф.; серьги с б.к. Общим весом 5,90 гр. | 2 297 058,00 |
| 7. | 1656 | Колье “Арча” с з.б.к. Общим весом 11,80 гр. | 5 013 150,00 |
| 8. | 1727 | Цепочка с кулоном; серьги висячие “Cartier”. Общим весом 17,78 гр. | 6 073 650,00 |
| 9. | 1767 | Перстень жен. Общим весом 2,85 гр. | 1 210 500,00 |
| 10. | 1864 | Браслет с деф. пор.; кольцо “Куёш” с к.к.; кольцо с кор. кам. Общим весом 6,83 гр. | 2 719 440,00 |
| 11. | 1880 | Серьги с б.к.; браслет “Картье”. Общим весом 7,69 гр. | 3 195 150,00 |
| 12. | 1932 | Серьги с б.к.; серьги шарики. Общим весом 5,79 гр. | 2 437 650,00 |
| 13. | 1941 | Серьги болдок. Общим весом 5,07 гр. | 2 134 650,00 |
| 14. | 2033 | Кольцо обр. Общим весом 3,84 гр. | 1 449 870,00 |
| 15. | 2146 | Браслет. Общим весом 9,93 гр. | 4 104 150,00 |
| 16. | 2295 | Серьги с б.к. с деф. Общим весом 2,48 гр. | 922 650,00 |
| 17. | 2326 | Кольцо с р.к. Общим весом 1,48 гр. | 468 150,00 |
| 18. | 2356 | Серьги болдок с к.к. Общим весом 6,27 гр. | 1 983 150,00 |
| 19. | 2367 | Цепочка. Общим весом 11,49 гр. | 4 861 650,00 |
| 20. | 2398 | Серьги “Анжир” с к.к. Общим весом 3,13 гр. | 1 152 930,00 |
| 21. | 2486 | Браслет; кольцо с б.к.; кольцо с б.к.; кольцо с б.к. с деф.; кольцо с б.к.; серьги с б.к. с деф. Общим весом 14,37 гр. | 6 073 650,00 |

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 22. | 2514 | Перстень с деф.; серьги “Туя тиш” с к.к. Общим весом 8,05 гр. | 3 346 650,00 |
| 23. | 2540 | Кольцо с р.к. Общим весом 7,20 гр. | 3 043 650,00 |
| 24. | 2561 | Серьги шарики; кольцо шарики слом.; кольцо с к.к.; кольцо с б.к. с деф.; кольцо с б.к. с деф. Общим весом 13,23 гр. | 4 143 540,00 |
| 25. | 2624 | Перстень с деф. Общим весом 2,09 гр. | 771 150,00 |
| 26. | 2632 | Серьги с з.к. с деф.; кольцо с з.к. с деф. Общим весом 6,10 гр. | 2 434 620,00 |
| 27. | 2781 | Кольцо с б.к.; кольцо. Общим весом 4,57 гр. | 1 680 150,00 |
| 28. | 2794 | Браслет; серьги с к.к. Общим весом 7,61 гр. | 3 195 150,00 |
| 29. | 2804 | Серьги “Болдок”; серьги с р.к.; серьги с к.к. Общим весом 10,59 гр. | 4 152 327,00 |
| 30. | 2825 | Кольцо “Чалма” с б.к.; кулон с ч.б.к.; цепочка. Общим весом 8,75 гр. | 3 446 034,00 |
| 31. | 2850 | Цепочка; кулон. Общим весом 7,27 гр. | 3 043 650,00 |
| 32. | 2851 | Перстень; кольцо с ч.б.к.; серьги с ч.б.к. Общим весом 12,20 гр. | 5 164 650,00 |
| 33. | 2945 | Цепочка; серьги. Общим весом 8,05 гр. | 3 649 650,00 |
| 34. | 2989 | Кольцо. Общим весом 2,28 гр. | 922 650,00 |
| 35. | 3072 | Серьги шарики; кольцо. Общим весом 3,84 гр. | 1 528 650,00 |
| 36. | 3082 | Цепочка. Общим весом 9,66 гр. | 4 255 650,00 |
| 37. | 3104 | Кольцо обр. с б.к. Общим весом 2,16 гр. | 922 650,00 |
| 38. | 3201 | Серьги с б.к.; кольцо с б.к.; серьги с бир.; кольцо шарик. Общим весом 11,57 гр. | 5 164 650,00 |
| 39. | 3214 | Перстень с б.к.; кольцо. Общим весом 9,33 гр. | 3 952 650,00 |
| 40. | 3277 | Серьги с б.к.; кольцо с деф. Общим весом 8,01 гр. | 3 649 650,00 |
| 41. | 3339 | Цепочка. Общим весом 19,44 гр. | 4 558 650,00 |
| 42. | 3459 | Кулон; серьги болдок с к.к. деф. Общим весом 4,75 гр. | 2 134 650,00 |
| 43. | 3525 | Кольцо. Общим весом 4,84 гр. | 2 134 650,00 |
| 44. | 3555 | Кольцо с б.к.; серьги с б.к. Общим весом 4,11 гр. | 1 831 650,00 |
| 45. | 3559 | Серьги с з.б.к.; кольцо с б.к.; серьги с б.к.; кольцо с б.к. Общим весом 15,37 гр. | 6 376 650,00 |

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 46. | 3567 | Перстень; цепочка с деф. Общим весом 9,44 гр. | 4 255 650,00 |
| 47. | 3665 | Кольцо с б.к. 1 к. отс.; серьги с б.к.; кольцо обр. с б.к. Общим весом 8,11 гр. | 3 649 650,00 |
| 48. | 3745 | Серьги болдок с к.к. Общим весом 6,31 гр. | 2 286 150,00 |
| 49. | 3748 | Цепочка. Общим весом 20,26 гр. | 9 103 650,00 |
| 50. | 3906 | Серьги “Болдок”. Общим весом 3,35 гр. | 1 528 650,00 |
| 51. | 3935 | Кольцо; кольцо с жем. Общим весом 7,78 гр. | 3 498 150,00 |
| 52. | 3956 | Кольцо сетка; кольцо с з.к. с деф.; кольцо с б.к. 2 к. отс. с деф.; кольцо с б.к. с деф.; кольцо обр.; серьга 1 шт. кам. отс. Общим весом 10,07 гр. | 4 558 650,00 |
| 53. | 4012 | Кольцо с б.к.; серьги с к.к. “Туя тиш”. Общим весом 5,14 гр. | 2 286 150,00 |
| 54. | 4207 | Серьги с б.к. Общим весом 2,76 гр. | 1 225 650,00 |
| | **Жами бошланғич баҳоси** | | **182 254 719,00** |

Аукцион савдолар **2022 йил 16 август** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 12 август куни соат 18.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2022 йил 16 август** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2022 йил 30 август ва 14 сентябрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Давр банк” ХАТБ Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008. МФО: 01121, СТИР: 200933850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# Республика Кенгаши Раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди



**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилиш аввалида тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Султонов томонидан Республика Кенгашининг 2022 йил I ярим йиллик иш фаолияти ҳамда Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг иш фаолиятини ўрганиш натижалари тўғрисидаги маърузаси тингланди.

Шунингдек, йиғилиш давомида маърузачилар томонидан Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳар тармоқ корхона ва ташкилотларида меҳнат муҳофазасини ташкил этиш юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг бажарилиши, ходимларга соғлом иш шароитлари яратилиши ҳамда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар, тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан ҳамкор вазирликлар ва ташкилотлар ўртасида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш, ходимларга хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини яратиш юзасидан назоратни ташкил этиш бўйича маълумотлар тақдим этилди.

Бундан ташқари, 2022 йил учун белгиланган Давлат дастурининг тармоқ корхоналарида бажарилиши, тармоқ тизимида нодавлат ташкилотларини касаба уюшмалари хизматига жалб этилиши ва Раёсат оралиғида қабул қилинган қарорларни тасдиқлаш юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

# "Ҳумо" боғи болажонлар қувончига қувонч қўшди




**Тадбиркорликнинг турлари кўп. Аммо қайси бир тадбиркорлик йўлини тутманг сармоя муҳим омил саналади. Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган тубислоҳотлар сабаб молия муассасалари тадбиркорларга асосий кўмакчи бўлмоқда.**

Масалан, Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманилик тадбиркор, "Содиқбек Қаҳрамон ўғли" МЧЖ раҳбари Қаҳрамон Мамадиёров туман марказидаги Обод маҳалласида 30 сотихдан зиёдроқ майдонда "Ҳумо" номли истироҳат боғини барпо қилиб, маҳалла болажонларининг қувончига қувонч қўшди.

Бугунги кунда 5 нафар ишчи-ходим фаолият юритаётган мазкур мўъжазгина болалар майдончаси ва маданий дам олиш маскани лойиҳасининг умумий қиймати 950 миллион сўмни ташкил этган бўлса, шундан 500 миллион сўми "Ўзмиллийбанк" АЖ томонидан кредит сифатида ажратилди.

– Истироҳат боғимиз жорий йилнинг март ойидан фаолият бошлади, – дейди Қаҳрамон Мамадиёров ЎзА мухбири Ўлмас Баротовга. – Ҳали лойиҳада кўзда тутилган ишларимизнинг 60 фоизинигина амалга оширдик. Келгусида боғ ичида каттароқ ёшдаги болалар учун ҳам турли аттракционлар ўрнатишни мақсад қилганмиз ва бунда банк кўмагига умид боғлаганмиз.

Болалик беғубор давр. Унинг ўтган ҳар бир дақиқаси дунё-дунё таассуротларга бой. Тинч осойишта юртимизнинг ҳар бир гўшасида улғаяётган болажонлар айни пайтдаги ёзги таътил кунларини мана шундай истироҳат боғларида ўйин кулгу билан ўтказмоқда.









# МАРҲАМАТНИНГ ГЎЗАЛ МАНЗАРАСИ
## сайёҳларни мафтун этмоқда

**Андижон вилояти туризм ва сайёҳлик соҳасида улкан салоҳият ва имкониятга эга ҳудудлардан бири ҳисобланади. Шу боис ҳудудда туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар сайёҳлар оқимини кўпайтириш имконини бермоқда.**

Буни Андижон вилоятининг Марҳамат туманида туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар мисолида кўриш мумкин. Агар йўлингиз тушиб, Марҳаматга келсангиз, Андижон – Марҳамат автомагистраль йўлидан юриб, Шаҳрихонсойдан ўтишингиз билан ўзига хос, гўзал манзаранинг гувоҳи бўласиз.

Йўлнинг ҳар икки томонида адирликнинг қуйи қисмида соя-салқин чойхоналар, туризмни тарғиб этувчи ҳайкал ва ўтовларга кўзингиз тушади, адирликнинг энг юқорисида эса "Марҳамат" сиҳатгоҳи ана шу гўзал манзарага янада кўрк бағишлаб турибди. Айни кунда Марҳамат туманида жами 62 та маданий мерос объекти – археологик, монументал, архитектура ёдгорликлари, зиёратгоҳ, шунингдек, диққатига сазовор жойлар бўлиб, уларнинг аксарияти туристик йўналишларга киритилган.

Туманда ички туризмни ташкил қилиш ва ривожлантириш мақсадида "Мингтепа" жамоат фонди томонидан йўл бўйларига 15 та кичик туристик масканлар барпо этиш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда улардан 6 таси фойдаланишга топширилган. Туризм инфратузилмани ривожлантириш бўйича намунавий лойиҳалар асосида 9 та янги санитария-гигиена шохобчаси ташкил этилди, мавжуд 8 таси эса таъмирланди. Ўтган йили туманда 14 та туристик йўналишлар мавжуд бўлган бўлса, жорий йилда уларни 18 тага етказиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Сайёҳларга 1 та туроператор хизмат кўрсатмоқда. Кейинги йилларда ҳашар йўли билан тумандаги Хўжабосмон ота, Бандимозор ота, Миришкор ота, Оқбош ота, Бобохуросон ота зиёратгоҳлари ҳамда Восилий уй-музейида таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Бозорбоши маҳалласида этнотуризм йўналишида "Рўмолчилик кўчаси" ташкил этилди. Бугунги кунда туманда туристик объектларда хизмат кўрсатиш йўналишида 2 минг 100 нафардан зиёд кишининг бандлиги таъминланган. Туманда ўтган йили маҳаллий ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатиш орқали туристик хизмат кўрсатиш ҳажми 1,5 баробарга ортган. Тумандаги Хакка маҳалласида 8,5 гектар майдонда барпо этилган "Буюк маскан" экотуризм маскани эса ҳар қандай сайёҳга манзур бўлиши аниқ. Умумий лойиҳа қиймати 30 миллиард сўм бўлган мазкур дам олиш маскани бир вақтнинг ўзида бир минг нафардан ортиқ одамга хизмат кўрсатади. Бу ерда меҳмонхона, чойхоналар, қорақалпоқ, қирғиз ўтовлари, спорт майдонлари, бар, кафе, шаршара, манзарали йўлаклар барпо этилди, чархпалак, ўндан ортиқ аттракционлар ўрнатилган. Маскан марказида кўл яратилиб, ўртаси оролча қилинган. Оролчада музқаймоқ хиёбони ташкил этилган. Кўлда сайр қилиш учун бир нечта катамаранлар келтирилди. Ўзига хос кўриниш ва бетакрор дизайнга эга мазкур маскан фойдаланишга топширилиши билан туманга яна кўплаб сайёҳларни жалб этиш имкони яратилади.

Бобохуросон маҳалласида яшовчи ўзбек цирки, дорбозлик санъатининг устаси Юнусали Ғозиевнинг хонадонида ташкил этилган миллий этнотуризм маскани ҳам сайёҳлар билан ҳамиша гавжум масканлардан бири ҳисобланади. Хонадон ичидан оқиб ўтувчи ариқ бўйлари жаннатмонанд боғга, дам олиш масканига айлантирилган. Хонадонда парваришланаётган кўп йиллик улкан дарахтларнинг ҳар бирига ўзгача шакл берилиб, уларнинг устига, дарахт шохлари орасига ўтириб, дам оладиган махсус жойлар барпо этилган. Ушбу масканга келган сайёҳлар учун "Андижон самоси" дорбозлар гуруҳи томонидан дорбозлик санъати намойиш этилади. Шунингдек, масканда миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси, ўзига хос этно муҳит яратилган. Ушбу масканда бир вақтнинг ўзида 90 нафар сайёҳга хизмат кўрсатилади. Марҳамат туманида туризмни ривожлантиришда "Мингтепа" археологик ёдгорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

– Халқимизнинг кўҳна тарихини акс эттирувчи ноёб "Мингтепа" ёдгорлиги нафақат юртимиз, балки хорижлик сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотади, – деди "Мингтепа-маданий мерос" жамоат фонди раҳбари Ортиқали Ҳусанов ЎзА мухбири Фахриддин Убайдуллаев билан суҳбатда. – Мингтепа харобалари халқимизнинг қадим тарихи ҳақида жуда кўп маълумотлар беради. Ана шундан келиб чиқиб, туристларни жалб этиш мақсадида очиқ осмон остидаги "Мингтепа" музейи, кутубхона ташкил этилди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги "Мингтепа" археология мероси объектини муҳофаза қилиш, тадқиқ этиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган "Йўл харитаси"да кенг кўламли ишларни амалга ошириш белгиланган. Бироқ, мазкур ишларнинг бажарилиши коронавирус пандемияси муносабати билан ўз вақтида бажарилмади. Бугунги кунга келиб ҳам қарор ижросини таъминлаш эътибордан четда қолмоқда.

Қарор бўйича "Мингтепа" археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш маркази биносини қуриш учун 1,14 гектар, муҳофаза ҳудуди учун эса 2,4 гектар ер майдони ажратилди. Қурилиш ишлари эса ҳалигача бошлангани йўқ. Бундан ташқари, ҳужжатда туристлар, ташриф буюрувчилар учун қулай шароитлар яратиш, тарихий кўринишни сақлаган ҳолда объектнинг муҳофаза этиладиган ҳудудидан ташқарида замонавий дам олиш масканлари ташкил этиш, "Жингиртепа", "Тоштепа" археология объектларига олиб чиқувчи йўлни пиёдалар учун мослаштириш сингари қатор вазифалари ҳам белгиланган. Бироқ, мазкур ишларнинг бажарилишини ҳам кўнгилдагидек, деб айта олмаймиз. Тақдим этилган маълумотларга кўра, белгиланган ишларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатлар ишлаб чиқилган, ҳозирда улар Андижон вилояти Маданий мерос бошқармаси қошидаги Илмий-маслаҳат кенгаши томонидан кўриб чиқилмоқда. Туман ҳокимлиги, бошқа масъул ва мутасадди ташкилотлар Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарори ижроси бўйича амалий ишларни бошлайди, деб умид қиламиз.

Марҳамат туманида ўнлаб зиёратгоҳлар борки, уларга нафақат Андижон, балки республикамизнинг бошқа вилоятлари, қўшни Қирғизистон Республикасидан ҳам кўплаб сайёҳ ва зиёратчиларни жалб этиш мумкин. Ўтган йили туманга 115 минг 200 нафар сайёҳ ва зиёратчи ташриф буюрган бўлса, жорий йилда уларнинг сонини янада ошириш кўзда тутилган. 2022 йилда туманда бир вақтнинг ўзида 160 нафар меҳмонни қабул қилиш имкониятига эга қатор меҳмон уй, оилавий меҳмонхона ва хостеллар ташкил этилиши белгиланган. Масалан, Миришкор маҳалласида умумий қиймати 3 миллиард сўмга тенг 60 ўринли ўзига хос услубда меҳмон уйлар барпо этилди. Йил охирига қадар мавжуд зиёратгоҳларга олиб борувчи йўл кўрсаткичлари тўла ўрнатилади. Шунингдек, Тўрабобо, Мулла Тўйчи, Оқтўнли ота ва Маҳдум Восилий зиёратгоҳлари таъмирланади.

Тумандаги зиёратгоҳларда WI-FI зоналари яратилади. Жорий йилда ана шу ишларни амалга ошириш ҳисобига туманда туризм ривожланади, сайёҳлар оқими эса янада ортади.

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

**Июль ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган**

Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Шерзод Холов,**

Жиззах вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларни техник ҳолатини ўрганиш бўлими лаборанти **Бегзод Хасанов,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош мутахассиси **Аҳмаджон Холов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги бухгалтери **Мурат Таджиев,**

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими лаборанти **Рашид Гаппаров,** Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи инспектори **Анвар Асқаров,**

Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Фармон Қаршиев,**

Сирдарё вилояти, Оқолтин тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Абдулатиф Қудратов,** Ховос тумани қурилиш бўлими аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўйича архитектор **Машраб Ахматқулов,**

Тошкент вилояти қурилиш бош бошқармаси кадрлар ва махсус ишлар бўйича инспектори **Шахобиддин Нишонов,**

Хоразм вилояти, Қўшкўпир тумани қурилиш бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Эрали Отажанов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

Ёз фаслининг айни мана
шу қайноқ кунларида
"Шаҳарсозлик ҳужжатлари
экспертизаси" ДУК бош мутахассиси

**Анвар Мирзакаримов**
**75 ёшли қутлуғ санасини қарши олмоқда.**

У бир неча йиллардан буён қурилиш соҳасида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

Қурилиш вазирлиги жамоаси **Анвар Мирзакаримов**ни ана шу қутлуғ сана билан самимий муборакбод этиб, унга сиҳат-саломатлик, куч-қувват, соҳа ривожи учун қилаётган эзгу ишларига муваффақиятлар тилайди.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-743.
1928 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – Р. Хўжаева.

ЎзА якуни – 00.20.
Топширилди – 00.30.

1 2 3 4 5 6